



2025 йил 28 июль

№ РС-33-25

Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлар бўйича
судлов ҳайъати томонидан 2025 йилнинг иккинчи чорагида
тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича
суд амалиёти обзори тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2025 йил иккинчи ярмига мўлжалланган иш режасининг 3.1-бандига кўра, Олий суднинг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2025 йилнинг иккинчи чорагида тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича тайёрланган суд амалиёти обзори юзасидан қуидагиларни таъкидлайди.

Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатида 2025 йилнинг иккинчи чорагида тафтиш тартибидаги шикоятлар (протестлар) асосида 520 та иш ўрганилган, тафтиш инстанциясида 74 та иш кўрилган бўлиб, 49 таси бўйича суд хужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган, 25 таси бўйича бекор қилинган.

Бекор килинган 25 та суд хужжатларидан 11 таси бўйича қуи судларнинг суд хужжатлари бекор қилиниб, янги қарор қабул қилинган, 3 таси бўйича суд хужжатлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун қуи судларга (шундан, 1 таси апелляция инстанциясига, 2 таси тафтиш инстанцияга) юборилган ҳамда 11 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг 9 та ҳал қилув қарори, апелляция ва кассация инстанцияси судларининг 1 тадан қарори ўз кучида қолдирилган. Якуний қарорлар қабул қилиш кўрсаткичи 88 фоизни ташкил этган.

Бекор қилинган суд хужжатларининг **9** таси Тошкент шаҳар, **5** таси Самарқанд, **4** таси Бухоро, **3** таси Тошкент, **2** таси Қашқадарё, **1** тадан Сирдарё ва Фарғона вилоят судларига тўғри келган.

Бекор қилинган 25 та суд хужжатларидан **23** таси ҳал қилув қарорлари, 2 таси суд ажрими ҳисобланади.

Шундан 2 та суд ажрими бўйича шикоят кўриб чиқилиши учун тафтиш инстанциясига юборилган.

Судлов ҳайъатида жами кўрилган 74 та ишнинг 27 таси ёки 36,5 фоизи солик идоралари, 22 таси ёки 29,7 фоизи маҳаллий ҳокимликлар, 9 таси ёки 12,2 фоизи кадастр, 3 таси ёки 4,0 фоизи божхона идоралари билан боғлиқ муносабатларга оид ишларга тўғри келган.

Суд амалиёти обзорини тайёрлаш натижаларидан кўринишича, судлар томонидан айрим ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси ва бошқа қонун хужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорлари тушунтиришларига риоя қилинмаслиги, иш ҳолатлари тўлиқ аникланмаслиги, моддий ва процессуал хуқук нормаларининг нотўғри кўлланилиши ёки бузилиши суд қарорлари бекор қилинишига сабаб бўлган.

Бундай хатоликлар кўпроқ Бухоро, Самарқанд вилоятлари ва Тошкент шаҳар маъмурий судларида солик органларига ҳамда кадастр органлари билан боғлиқ низолар бўйича ишларни кўришда йўл қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2025 йилнинг биринчи чорагида кўрилган ишлар бўйича тайёрланган суд амалиёти обзорини муҳокама қилиб, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 28-моддасига асосан, Олий суд Раёсати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2025 йилнинг иккинчи чорагида тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. **Бухоро** вилояти (А.Ахмедов), **Самарқанд** вилояти (Т.Файзиев) ҳамда **Тошкент** шаҳар (У.Алмамедов) маъмурий судлари раисларига судьялар томонидан процессуал ҳамда моддий хуқук нормалари талабларига сўзсиз ва тўлақонли риоя қилинишини таъминлаш;

иш сифати паст бўлган судьяларнинг билим ва кўнилмаларини ошириб бориш чораларини кўришлари лозимлиги кўрсатилсин.

3. Вилоят ва унга тенглаштирилган маъмурий судлар раислари:

суд қарорларининг юқори суд инстанцияларда бекор қилиниши сабабларини чуқур тахлил қилиб, натижасини судьялар иштирокида муҳокама қилиш;

судьялар иштирокида ўтказилаётган семинар машғулотлари самарадорлигини ошириш;

куйи инстанция судларига амалий ёрдам кўрсатиш ишларини тўғри йўлга қўйиш чораларини кўрсинглар.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати (Б. Эргашев) ҳамда вилоят ва унга тенглаштирилган маъмурий судлар раислари зиммасига суд амалиёти обзорини барча судьялар иштирокида ўрганиш мақсадида **2025 йил август ойида** видеоконференцалоқа режимида семинар машғулотини ўтказиш юклансин.

5. Суд амалиёти обзори вилоят ва унга тенглаштирилган маъмурий судлар, туманлараро маъмурий судлари ҳар бир судьясига реестр орқали етказиш ва амалиётда фойдаланиш учун юборилсин.

6. “Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси” ҳамда “Куч-адолатда” газетаси бирлашган таҳририяти (Ш. Ҳамроев), “Одил судлов” – “Правосудие” журнали таҳририяти (К. Убайдиллоев), Олий суднинг Жамоатчилик билан ҳамкорлик маркази (А. Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Ж. Умаров) суд амалиёти обзори “Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси”, “Одил судлов” – “Правосудие” журнали ҳамда Олий суднинг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Ш.Полванов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси**



Б. Исламов